

**СЎЗ САНЬАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 3 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 3**



ТОШКЕНТ-2021

**СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ | МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**  
**INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

№3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3>

**Бош мухаррир:**

**Холбеков Мухаммаджон**  
ф.ф.д., профессор (Узбекистон)

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Тұхтасинов Илхом**  
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Тахрир ҳайъати:**

**Назаров Баҳтиёр**  
академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарғали**  
ф.ф.д., профессор (Турция)

**Алмаз Улви Биннатова**  
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бакиева Гуландом**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннүллин Ким**  
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**  
ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматқул**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркманистан)

**Кристофер Жеймс Форт**  
Мичиган университети (АКШ)

**Умархўжаев Мухтор**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабаев Ҳамидулла**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмуҳаммадов Ҳуршид**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**  
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**  
ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Мухаммаджон**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Заместитель главного редактора:**  
**Тұхтасинов Илхом**  
к.ф.н., доцент (Ўзбекистан)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Баҳтиёр**  
академик. (Ўзбекистан)

**Якуб Умар оғлы**  
д.ф.н., профессор (Турция)

**Алмаз Улви Биннатова**  
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Миннүллин Ким**  
д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Керимов Исмаил**  
д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматқул**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Куренов Рахиммамед**  
к.ф.н. (Туркменистан)

**Кристофер Джеймс Форт**  
Университет Мичигана (США)

**Умархўжаев Мухтар**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Мирзаев Ибодулло**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Балтабаев Ҳамидулла**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Дўстмуҳаммадов Ҳуршид**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Лиходзиевский А.С.**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Сиддикова Ирода**  
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

**Шиукашвили Тамар**  
д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**  
отв. секретарь, доцент (Ўзбекистан)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**  
Doc.of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**  
**Tuhtasinov Ilhom**  
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**  
academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umaroglu**  
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**  
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**  
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**  
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**  
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**  
University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**  
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**  
Doc. of philol. scien. (Georgia)

**Yusupov Oybek**  
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

Pagemaker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## **МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT**

<b>55. Зарина Раҳмонова</b> ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК МУАММО СИФАТИДА.....	5
<b>56. Тоирова Дилфузә Файзуллаевна</b> МРАК И БЛЕСК СРЕДНЕВЕКОВЬЕ.....	13
<b>57. Г.П. Каллибекова</b> ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК БИРИКМАСИ БЎЙИЧА ГАЗЕТАДА ФОЙДАЛАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	27
<b>58. I.S. Mannopov, Sh. S. Ismoilova</b> AZIM XOJA IJODIDA НИКМАТНАВИСЛИК AN'ANASI.....	34
<b>59. Кадирова Наргиза Арифовна</b> ЭВРИЛИШ МОТИВИНинг ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....	39
<b>60. Z. Djabbarova</b> VARIOUS DEFINITIONS OF THE TERM "LITOTES" IN THE LINGUISTIC LITERATURE..	44
<b>61. Абулқасимова Нодира Мирзакаримовна</b> ЭВФЕМИСТИЧЕСКАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА “POVERTY” В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ.....	49
<b>62. Низомиддинова Дилдора Носировна</b> ФАРГОНА ВОДИЙСИНИНГ АНТРОПОНИМ АСОСЛИ НЕКРОНИМ, ГИДРОНИМ, ОРОНИМ, АГРООНИМЛАРИ.....	59
<b>63. Хотамова Guljahon Solijonovna</b> O'ZBEK TILIDAGI SHAXSIY YOZISHMALARDA O'SMIR QIZLAR YOZMA NUTQI HARF SHAKLLARINING XUSUSIYATLARI.....	66
<b>64. Жамолиддина Дилноза Мирҳожиддиновна, Шодиева Гавхар Эминжоновна</b> ТЕРМИНЛАР ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИКЛАР .....	73
<b>65. Рахматова Диляфруз</b> МАХМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ БИРИНЧИ ЎЗБЕК ДРАМАСИНИ ЯРАТИШИ АСНОСИДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА ҚЎШГАН ДИДАКТИК ҲИССАСИ.....	82
<b>66. Жамолиддина Дилноза Мирҳожиддиновна, Турдиев Шавкатжон Ахмедович</b> ТЕРМИНЛАР ВА ТИЛ ТАДҚИҚИГА АНТРОПОЦЕНТРИК ЁНДАШУВ.....	91
<b>67. Хурсанов Дилшод Бахтиёрович</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР.....	99
<b>68. Жамолиддина Д. М., Мадаминов Н.Х., Фозилов Қ.М.</b> ТЕРМИН ВА СЎЗНИНГ ИНТЕГРАЛ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ БЕЛГИЛАРИ.....	105
<b>69. Қурбонова Феруза Аъзамовна</b> ИСАЖОН СУЛТОН ҲИКОЯЛАРИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ.....	120

# СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Кадирова Наргиза Арифовна  
Гуманитар йўналишларда чет тили  
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD  
Бухоро давлат университети  
nzkd117@gmail.com

## ЭВРИЛИШ МОТИВИНинг ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-59>

### АННОТАЦИЯ

Дунё оғзаки ва ёзма адабиётида инсон ва табиат мавжудотларининг бир кўринишдан бошка кўринишга ўтишини акс эттирувчи эврилиш мотиви шундай адабий-эстетик ҳодисалардан бири бўлиб, аслида фольклорда пайдо бўлган ва кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кўчган. Мазкур мақолада замонавий ўзбек насири ижодкорларидан Назар Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити” ҳамда Иззат Султоннинг “Қисмат” ҳикояларида эврилиш мотивининг қўлланилиши ўрганилиб чиқилган.

**Таян сўзлар:** ўзгариш, айланиш, балиқ, рух, ит, овоз, муҳаррир.

### Кадырова Наргиза Арифовна

Доктор философии по филологическим наукам,  
старший преподаватель кафедры Иностранный  
язык по направлению гуманитарных наук,  
Бухарский государственный университет  
nzkd117@gmail.com

## ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МОТИВА ПРЕВРАЩЕНИЯ В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ

### АННОТАЦИЯ

Мотив превращения, отражающий переход человека и природных существ из одной формы в другую в мировой устной и письменной литературе, является одним из таких литературно-эстетических явлений, которое зародилось в фольклоре, а затем перешло в письменную литературу. В статье исследуется использование мотива превращения в таких рассказах современных узбекских прозаиков, как «Собака Баҳауддина» Назара Эшанкула и «Судьба» Иззат Султана.

**Ключевые слова:** смена, превращение, рыба, дух, собака, звук, редактор.

### Kadirova Nargiza Arifovna

Doctor of Philosophy in Philology,  
senior teacher of the department of  
Foreign languages in Humanitarian Sciences,

Bukhara State University  
nzkd117@gmail.com

## INTERPRETATION OF THE MOTIVE OF TRANSFORMATION IN THE MODERN UZBEK PROSE

### ABSTRACT

The motive of transformation, reflecting the transition of man and natural beings from one form to another in the world oral and written literature, is one of such literary and aesthetic phenomena, which originated in folklore, and then passed into written literature. The article examines the use of the transformation motive in such stories of modern Uzbek prose writers as "The Dog of Bahauddin" by Nazar Eshankul and "Destiny" by Izzat Sultan.

**Key words:** change, transformation, fish, spirit, dog, sound, editor.

### КИРИШ

Глобаллашув таъсирида замон ва макон ўзгармоқда, шу билан бирга инсон ўзгармоқда. Бадиий адабиёт инсоншунослик экан, ушбу ўзгараётган замонда инсон ўзини қандай тутмоқда, унинг бу ҳолати бадиий адабиётда қандай талқин қилинмоқда, бугунги кундаги ўзаришлар илмий-бадиий талқинлар миқёси кенгайишига қандай таъсир кўрсатмоқда ҳамда уларнинг моҳияти нимада, каби масалалар жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, истиқлол даври ўзбек адабиётшунослиги илмий аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигига эврилиш мотивининг барча замонларда инсон тақдирини поэтик талқин қилиш, унинг ҳаётидаги жиддий ўзаришлар, ижтимоий силжишлар, бурилиш нуқталари, руҳий бузилишларни тўлалигича бадиий ёритиш воситаси сифатидаги бадиий-эстетик вазифаларини очишга қизиқиши ҳамиша юқори бўлган. Чунки эврилиш мотивининг асар бадииятини таъминлашдаги аҳамиятини, инсон ҳис-кечинмаларини тасвирлашдаги ролини, умумий хусусиятларини, генезиси, ички кўринишлари, бадиий тадрижини аниқлаш мифологик тафаккур қолдиқларининг замонавий адабиётда поэтик янгиланишлар асосида яшаб келаётганини далиллаш имконини беради. Мотив табиатида юз берган эволюцион ўзаришлар, диффузияланиш жараёни, поэтик динамика инсоният бадиий тафаккури таракқиётiga хос тамойилларни англашга хизмат қиласди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Эврилиш мотиви фольклордан ўсиб, шаклланиб, ёзма адабиётга ҳам кўчган. Эврилиш мотиви ҳозирги ўзбек насрода ҳам мавжуд. Бу ўринда Назар Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити”, Иzzат Султоннинг “Қисмат” ҳикоялари мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Фольклоршунос олимлар халқ эртаклари ва достонлари мисолида ўрганганидек, эврилиш мотивининг “сув воситасида”, “ҳаракат воситасида”, “жонзот ўз либосини ечиб, инсоний қиёфа касб” этиши каби бадиий турларини кўрсатишган. Фольклордаги “эврилиш” мотивига хос бадиий магик хусусиятлар ёзма адабиётда тўла шаклда намоён бўлди, деб айта олмаймиз. Ёзувчилар халқ оғзаки ижодига хос “эврилиш мотиви”ни ўз бадиий мақсадларини тўлиқ ифодалаш учун ва реалистик насрда ноанъанавий шакллар топиш учун ҳам бу “магик” бадиий шартли воситага мурожаат қиласидилар. Ёзма адабиётда ижодкорлар “метамарфоза мотиви”га мурожаат этишларининг яна бир сабаби жамиятда кучли босим авж олганида, инсоннинг шахсий истаклари, хоҳишлари жуда каттиқ бўғилган зулм, залолат авжига чиқсан, бюрократик ва бошқа салбий иллатлар болалаган вақтда истеътодли ёзувчилар анъянваий сайёр мотивдан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

Назар Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити” ҳикоясида эврилишнинг яққол намунасини кузатишимиз мумкин. Ҳикояда инсоннинг ҳайвонга, итга эврилиши тасвирланган. Асар қаҳрамони “Баҳоуддиннинг ити” радиопьесасининг режиссёри ҳисобланади. Режиссёр ўз ёрдамчиси ҳамда кўплаб актёrlар билан ушбу пьесса устида олти ой машақкат чекишиади. Иш тугаганидан сўнг муҳаррир асарни тинглаб кўради, аммо пьессани янада мукаммаллаштириш мақсадида унга табиий шовқинлар, табиат овозларини, ёзиш таклифини беради. Ҳикоядаги асосий воқеалар шу ердан бошланади. Қаҳрамонлар шаҳар четидаги хиёбонда бу каби

шовқинларни ёза олишларига амин бўлишди. Бу хиёбон анчадан бери тартибга келтирилмаган, дараҳтлар зич, кўплаб қушлар доим тўпланадиган макон эди. Режиссёр қулоғига қушлар чугури билан бирга яна қандайдир тушуниқсиз увиллаш элас-элас чалинарди. Лекин у бу сас нималигини ажрата олмади, у итнинг ҳам, бўрининг ҳам, ёки бирон яқинидан айрилган жониворнинг изтиробли ноласига ўхшарди. Эҳтимол, бу шаҳарнинг хиёбонга ўрмалаб кирган одатдаги шовқинидир, деб ўйлади. Нима бўлганда ҳам бу шовқин қушлар шовқинига халал беролмаётган, қолаверса, бу режиссёр қулоғининг шанғиллаши бўлиши ҳам мумкин эди. Улар ишларини тугатиб, тушликдан сўнг яна ишхонада учрашишлари ва муҳаррирга эшиттиришлари кераклигини айтди. Барча тўплангандан сўнг пъесса қўйилди, шўх-шодон наволар ўрнига эрталаб режиссёрнинг қулоғига чалинган қандайдир мунгли, юракни эзадиган бир дардли увиллаш эшитилди. Ҳамма ҳайрон, муҳаррир жаҳл билан қайта ишлаш кераклигини уқтириди. Кейинги тонгда улар наботот, ҳашорат ва парранда овозларини – табиатнинг улуғворлигини мадҳ этаётган, борлиқ билан уйғунлашиб кетган тириклик ва яратувчилик оҳангларини ёзиб олишди, ҳамма табиат овозини ёзиб олинганига амин бўлишди. Аммо бахтга қарши бу гал ҳам худди ўша мунгли увиллаш эшитила бошланди. Чакалакзорлар ичида қандайдир катта бир ит режиссёрга қараб, масхара қилиб, тилини чиқариб тургандек туюлди. Кўзини юмиб очди- итга ўхшаб хурпайиб турган шоҳга кўзи тушди. Режиссёр булар барчаси унга шундай туюляпти, деб ўйлади ва улар уйга тарқашди. Вақт ўтиши билан режиссёр ёрдамчиси қўнғироқ қилиб, яна ўша мунгли ва маҳзун нола ёзиб олинганини айтди. Барча бу воқеадан ҳайратга тушишганди. Муҳаррир бу ишдан жаҳли чиқиб, асарга ишлов беришни бошқа кишига беради. Бу ғайриоддий ҳодиса режиссёрни ўйлантириб қўяди. У қандай ит? Эгаси бормикин? Нега у бунчалик нола чекаяпти? каби саволлар уни тинж кўймайди ва ўша хиёбонга боришга қарор қиласди. Эрта тонгда хиёбонга келади, у ерда ҳамма нарса бахтиёрлик, яшнаш ва уйғонишдан дарак берарди. У боғнинг ҳамма жойини кўриб чиқади, аммо итни тополмай, синган дараҳтга ҳолдан тойиб ўтириб олади. Дам олаётib, қушларнинг чиройли сайраши уни маст қилди, шу хонишлар ичидан элас эласдан итнинг ноласи эшита бошланади. Боғнинг ичкарироғи, анвойи гуллар гуркираган, аммо жуда тартибсиз бўлган томонда кўзига ит қўринади. Режиссёр кўзини юмиб, ит ноласини гоҳ олисдан, гоҳ яқинидан эшита бошлади. Кўзини очишига журъат эта олмади, гўёки кўзини очса, ит ҳам, нола ҳам йўқолиб кетишини ўйлади. Овоз ўзининг андухи билан сеҳрлар, андухи билан мафтун қилар, мусибати билан жодулаб қўярди. Кунлар давомида у боғга келиб, кўзини юмганича мусибат ва андуҳдан титраб кунларини ўтказарди. У итни кўргиси келар, ғамига шерик бўлгиси, мусибат эзган бошини силагиси келар эди. Гўёки кўзини юмгандан ичидан ит қалбини тирнаб чиққанини ҳис қиласди. Итнинг кўзларида мунг ва ҳасрат қотиб олган, ўзи афтода, озғин, қовурғалари қўриниб ётар, оёқда зўрға тургандай туюлганди. Ит хар доим боққа одамлар кириб келгунча, шовқин бошлагунча увиллайди, кейин секин чакалакзор орасига кириб кетади. Режиссёр унинг изидан югуриб боради. Аммо ит одамлар орасида йўқолиб кетади. Кейинги кун ҳам у бокқа яна келади, худди шу жойда, шу пайтда ит увиллашни бошлайди. Аммо бу сафар ит режиссёрдан қочмас, унга қараб ҳасрат билан увиллар эди. Улар бир-бирига ўрганиб қолишли, итнинг қўтириб босган вужудида қандайдир сеҳр борлигини ҳис қиласди. Шу тариқа режиссёр ҳам ит билан бирга девор туйнугидан эмаклаб, кўчага чиқар, кейин ит изидан санқиб юрарди. Улар биргаликда шаҳарнинг шунча йиллардан бери бирон марта кўрмаган ғаригина кулбалар, тўкилай деб турган масжиду мадрасалар жойлашган эски тор кўчаларини, қадимий қалъалару қасрлар харобалари қолган тепаликларни айланиб чиқишиарди. Ит тор кўчаларнинг биралида қадимий ўймакор дарвоза олдига келиб, у ерда кўйилган егулиқдан еб кетарди. Агар айнан шу дарвоза остида егулик бўлмаса, кун бўйи оч юрса юрар, амммо бошқа ердан овқатланмас эди. Бора-бора итни режиссёр уйига олиб келди, бирга яшашди. Бирга дардлашар, бир-бирларини тинглашар, тушишгандай ёки ошик-машукдай бир-бирларисиз яшай оломасди.

Режиссёр шу даражада итга қўнишиб кетганди. Наҳотки, итнинг увиллаши ҳам одамни сеҳрлаб қўйиши ёки одам ит ноласига ошуфта бўлиши мумкинми? Асарни ўқиган ўкувчидаги шу каби саволлар туғилиши табиий. Режиссёр ишхонасидаги бадбўй итнинг ҳиди унинг

атрофдагиларни ажаблантириб қўйганди. Аммо режиссёрнинг ўзи бу ҳидни хис қилмас эди. Охир оқибат у ишдан ҳам бўшаб, ҳар куни ит билан боққа чиқар, ит увиллар, режиссёр эса шу мунгли овозга маҳлиё бўлиб, хаёлан ўзини олис-олислардан топарди. Шу даражада итга ўрганиб қолганники, ўзини ҳам итга ўзгариб бораётганини ич-ичидан хис қила бошлади. У ит билан ўзини бир вужуд деб билар эди. Агар итдан узоқлашса, гўёки ит билан бирга бўлган вақтда айрилиқ мусибати босилар, ўзини баҳтиёр хис қиласа эди. Ўзини ҳам итга айланишини қаттиқ истар эди.

Асарда муаллиф руҳий эврилишни қўллаш орқали инсон руҳиятидаги ўзгаришлар, уларнинг инсон тақдирида таъсирини очиб беришга ҳаракат қилган. Режиссёр кундан-кунга итга айланишини, ит билан бирга бўлишиликни хоҳлашининг тасвиrlаниши унинг руҳиятидаги ўзгаришнинг яққол намунаси хисобланади. Умуман айтганда, эврилиш мотиви афсонавий мазмун касб этса-да, инсон ҳаётининг руҳий ўзгаришлар билан боғлиқ қирраларини ёрқин поэтик акс эттиришга хизмат қилиши жиҳатидан ғоявий-бадиий аҳамияти каттадир.

Яна бир ажойиб ёзувчи Исажон Султоннинг “Қисмат” ҳикоясида ҳам эврилиш мотивини кузатишими мумкин. Ҳикояда отасининг қарғишига учраб, балиққа айланган йигитнинг тақдири тасвиrlанади. Ушбу ҳикояда инсоннинг балиққа эврилишини ёзувчи ёрқин кўрсатиб бермаган бўлса ҳам ҳикояни охиригача ўқиб тутатган ўқувчи бу фикрни хис эта олади. Уч акаукаларнинг антика балиқ ҳақидаги парчалари ҳикоядан ўрин олган. Ҳикоядаги балиқ нафақат бир марта балки бир неча бор ўз қиёфасини ўзгариширади: “Гоҳо хунук, ваҳший ниначи қурти сув остидан юзага – қамиш ёки ўт поясига ўрмалаб чиқади. У жуда очофат, кўрган нарсасини паккос туширади, баъзан ўзининг наслдошларини ҳам еб қўяди. Пояда соатлаб қимир этмай туради, кейин елка қисми тўсатдан ёрилади, ёрилган қисмидан қанотлари ҳарир, боши катта ўзга бир жонзот – ниначи чиқиб келади. Дўнгга кўниб, қуёш ҳароратида қанотларини қурилгач, пирпираб учади-кетади... Милтиллаб сузуб юрган итбалиқлар ҳам ўзгариб, бақаларга айланадилар. Илдизнинг пўк қисмida истиқомат қиладиган яна бир жонзот – семизқуртнинг ҳаёти ҳам тўсатдан барҳам топади, бир-икки кун қимир этмай ётади-да, бузоқбошига айланади, яна бир оз вақт ўтгач, тўсатдан қанот чиқариб, дириллаб учишга тушади.” Бу балиқ ўзгача бўлиб, бунақангি рангу тусдаги балиқ йўқ, сув бетига чиқсанда барча жонзотларнинг овози ўчиб кетади.

Ўртанча ўғил бу балиқ Худо томонидан берилганига, отасининг руҳи балиқнинг ичига кирган, деб ўйларди. Чунки, онаси - одамнинг руҳи бошқа нарсаларнинг ичига, кўпинча капалакка ёки кичкинароқ жонзотларга, баъзан катталарига ҳам кира олади. Капалак учиб келиб жим ўтиради, унинг ичидаги марҳумнинг руҳи эса теваракни томоша қиласи, деб айтган эди. Кунларнинг бирида бир чол бу йигитнинг тушига кириб, отаси балиққа айланаб уларнинг олдига келишини ва бу балиқни касал онасига пишириб бериши кераклиги, онаси бу таомдан сўнг оёққа туриб кетишини айтади. Катта ўғил бу тушдан хабар топиб, ўша балиқни тутиб, тозалаб, онасига пишириб беради. Кичик ўғиллар эса ич-ичларидан отажон, отажон дея йиғлаб қолишиди. Онасининг тушида ҳам марғум эри кириб, балиқ е, балиқ, деб таъкидларди.

Марҳум ўз отасига ўшқиргани, уни намоз ўқиганлиги учун силтаб юборгани-ю, отасининг кўзига қамиш кириб қолгани ва отаси уни қамишдай қурғин илоё, деб қарғагани сабабли бир мўъжиза сабаб балиққа айланаб қолган эди. Кунларнинг бирида еру кўкни чанг тўзон қамраб олади, “Балиқ бўл!” деган садо келиб, бу эркакни бир пўртнага оқизиб кетади. Ушбу мисолда нафақат инсон ташки кўринишидаги ўзгаришни балки руҳиятидаги ўзгаришни ангилаб олиш мумкин.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таҳлили кўриб чиқилган асарлар сюжетидаги эврилиш мотиви фантастик мазмун касб этса-да, қаҳрамонларнинг руҳий ўзгаришлари билан боғлиқ барча томонларни яққол намоён этишда катта аҳамият касб эта олган.

Ўзбек адабиётида яратилган илмий-фантастик асарлар сюжетида эврилиш мотиви алоҳида ўрин тутади ва бундай асарларнинг фантастик руҳини, бадииятини ва эстетик таъсирчанлигини оширишга катта хизмат қиласи. Ўзбек шоир ва ёзувчилари эврилиш

мотивидан күпинча ҳаёт билан боғлиқ ҳақиқатларни ошкор қилишда, у орқали мифопоэтик тасвирлар яратишида, асарнинг бадиий-эстетик таъсиричанигини оширишида, жамиятдаги ижтимоий, инсон ботинидаги руҳий ўзгаришларни акс эттиришида фойдаланишган.

### Фойданилган адабиётлар:

1. Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар. – Шарқ юлдузи. – 2002. – 1-сон. – Б.152-153.
2. Назар Эшонқул. Баҳовуддининг ити. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/nazar-eshonqul/nazar-eshonqul-bahoviddinning-iti-hikoya/>
3. Исажон Султон. Қисмат. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-qismat-hikoya/>
4. Д.Ўраева, Н.Кадирова. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотивининг поэтик вазифалари. Тошкент, Филология масалалари. – 2020. – № 2. – Б.17-31.
5. Kadirova N.A. Similarities in addressing the complex nature of love and devotion in Metamorphosis by Kafka and ghazals in Mir Alisher Navoiy. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. Volume- 8, issue- 9S3, July 2019, 1542 - 1545 pp. <https://www.ijitee.org/download/volume-8-issue-9/>
6. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>
7. НА Кадирова. Элементы превращений и перевоплощений в некоторых значимых произведениях мировой литературы. Казанский вестник молодых учёных, 2019. Том 3, № 3 (11). <https://cyberleninka.ru/article/n/elementy-prevrashcheniy-i-perevoploscheniy-v-nekotoryh-znachimyh-proizvedeniyah-mirovoy-literatury>



Tadqiqot uz

ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЬАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000